

# Такбири таҳримадан кейинги айтиладиган дуо

14:30 / 03.02.2020 3350

Бу борада жуда кўп ҳадислар келган. Улар умумий ҳолда қуйидагича дуолар қилишни тақозо этади:

????? ?????????? ?????????? ?????????????? ?????? ???????????

????????????????? ?????? ??????????? ?????????????? ??????????????

????????? ?????????? ?????????? ?????????????????? ??????????????

????????????? ?????????????? ??????? ??????? ??????

?????????????????????. ?????? ??????????? ??????????????

????????????????? ?????????????? ?????? ??????? ??????????????????

??? ?????????? ?????? ?????????????????? ?????????????? ??????????? ??????

?????????????????????. ?????????????? ?????????? ?????????????? ???

????????? ?????????? ?????????? ?????????? ?????????? ???????????

????????????? ?????????? ?????????????????????? ??????????????

????????????????? ??? ?????????????? ?????????????? ?????????????? ???

????????? ?????????????? ??????? ??????? ??????????????  
????????????? ?????????????????? ??? ?????????? ??????????????????  
????????? ?????????? ?????????????? ?????????? ?????????????????? ???  
????????????? ?????????????????? ??????? ??????????. ??????????????  
????????????????????? ?????????????????? ?????????? ??? ??????????????  
????????????????? ?????????? ?????????????? ?????????? ?????? ??????????????????  
????????????????????? ?????????????????????? ??????????????????????????  
????????????????? ??????????????

«Аллоҳу акбар кабийрон, валҳамду лиллаҳи касийрон ва субҳаналлоҳи букротан ва асийла, важжаҳту важҳий лиллазий фатарос самавати вал-арза ҳанийфам муслиман ва маа ана минал мушрикийн, инна солатий ва нусукий ва маҳйайа ва мамаатий лиллаҳи роббил оламийна лаа шарийка лаҳу ва бизалика умирту ва ана минал муслимийн. Аллоҳумма антал малику лаа илаҳа илла анта роббий ва ана ъабдука золамту нафсий ваътарафту бизанбий, фағфирлий зунубий жамийъа, фаиннаҳу ла йағфируз зунуба илла анта, ваҳдиний лиаҳсанил ахлоқи ла йаҳдий лиаҳсаниҳа илла анта, васриф ъанний саййиаҳа ла йасриф саййиаҳа иллаа анта, лаббайка ва саъдайка валхойру куллуху фий йадайка вашшарру лайса илайка ана бика ва илайка таборокта ва таъалайта, астағфирука ва атубу илайка».

**(Маъноси: Аллоҳ буюкларнинг буюгидир. Аллоҳга бисёр ҳамд бўлсин. Аллоҳни эртаю кеч поклаб ёд этурман. Юзимни ҳаниф ва мусулмон бўлган ҳолда еру осмонни яратган Зотга юзлантирдим. Мен мушриклардан эмасман. Албатта, намозим, қурбонлигим, тириклигим ва ўлимим оламларнинг рабби Аллоҳ учундир. Унинг**

**бирор шериги йўқдир. Мен шуни айтишга буюрилганман ва мен мусулмонларданман. Эй Раббим, Сен маликдирсан, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сен раббимсан, мен эса, бандангман. Мен нафсимга зулм қилдим. Гуноҳларимни эътироф қилдим. Гуноҳларимнинг барчасини кечиргин, чунки гуноҳларимни Сенгина кечирасан, холос. Хулқларнинг энг яхшисига мени ҳидоят қил. Сендан бошқаси ҳидоят қила олмас. Ва мени ёмонликлардан четлатгин. Сендан бошқаси четлата олмас. Ижобат қиламан, яхшилиқнинг барчаси Сенинг қўлингда. Ёмонлик эса, Сенга эмас. Мен эса, Сенинг номинг ила Сенга қайтаман. Сен баракотли ва олийсан. Сенга истиғфор айтаман ва Сенга тавба қиламан.)**

*Имом Муслим ривоятлари.*

Муҳаддислар, фуқаҳолар, саҳобалар, тобеъинлар ва улардан кейин келган мусулмон уламолар барчалари, яхшилиқ, ёмонлик ва фойда, зарарнинг ҳаммаси Аллоҳнинг хоҳиши ва тақдири билан бўлишига иттифоқ қилишган. Шунинг учун дуодаги «ёмонлик эса, Сенга эмас» деган иборани бир оз таъвил қилишга тўғри келади. Уламоларимиз жавоблари қуйидагича бўлган.

Назр ибн Шумайл, ёмонлик Сенга яқин бўлмайди, деганлар. Иккинчилари, ёмонлик Сенга кўтарилмайди, сенга фақат яхши сўзлар кўтарилади, деганлар. Учинчилари, одоб жиҳатидан Унга нисбат қилинмайди, яъни, ҳақиқатда чўчқани яратган бўлса ҳам, эй чўчқани яратувчи, дейилмайди-ку? деган.

Тўртинчилари эса, Сенинг ҳикматингда ёмонликка нисбат бериладиган нарса йўқдир, чунки Сен бирор нарсани беҳуда яратмайсан, дейилган.

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***